

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Ўзбекистон Республикаси
Энергетика вазири

Ж. Мирзамахмудов

2024 йил “ 24 ” 02

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппаратида мавжуд
вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов комиссиясининг
22 - сон баёни**

2024 йил “ 24 ” 02

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Ж. Мирзамахмудов – Энергетика вазири, Танлов
комиссияси раиси

Қатнашганлар: Вазир ўринбосари, Режим ва комплаенс бўйича вазир
маслаҳатчиси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
вакили, Танлов комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппаратидаги
мавжуд вакант лавозимлар учун эълон қилинган танловларнинг суҳбат
босқичини ўтказиш тўғрисида**

*(Мирзамахмудов, Мамадаминов, Шукуров, Раунов, Файзиев, Зайнутдинов, Шарофитдинов,
Мирзамахмудов)*

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) билан келишган ҳолда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппарати ва ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда мавжуд вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказиш тартиби” (кейинги ўринларда - Тартиб) талабларидан келиб чиқиб вазирлик ҳузуридаги Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича лойиҳа офисидаги мавжуд Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш хизмати бош мутахассиси ва Халқаро ҳамкорлик хизмати етакчи мутахассиси вакант лавозимларига ишга қабул қилиш учун Агентликнинг <https://vacancy.argos.uz/> платформаси орқали танлов эълон қилинган эди.

Мазкур лавозимларга номзодлар томонидан жами 100 та мурожаат келиб тушган.

Танловнинг 1-босқичи бўйича номзодларнинг ўрнатилган малака талабларига мослиги текширилди, шундан сўнг, муваффақиятли ўтган номзодлар танловнинг 2-босқичида Агентликда тест синовлари топширишди.

Танловнинг тест синовлари босқичидан мувафакқиятли ўтган жами 7 нафар номзод танловнинг суҳбат босқичига таклиф қилинди.

Танловнинг суҳбат босқичи 2024 йил 27 февраль куни Энергетика вазирлиги биносида очик мулоқот шаклида бўлиб ўтди.


Суҳбат босқичида Танлов комиссияси аъзолари томонидан номзодга танлаган вакант лавозими фаолияти билан боғлиқ саволлар берилди. Шундан сўнг номзодларнинг жавоблари ўрнатилган тартибда муҳокама қилинди.


Комиссия аъзоларининг тавсияларини кўриб чиқиб, Танлов комиссияси **қарор қилади:**


1. Вазирлик ҳузуридаги Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича лойиҳа офиси Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш хизмати бош мутахассиси лавозимига Нурматов Бобир Баходирович номзоди ва Халқаро ҳамкорлик хизмати етакчи мутахассиси лавозимига Иргашева Зилола Хабибулла қизи номзоди маъқуллансин.


2. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими (З.Файзиев) голиб бўлган номзодлар билан ўрнатилган тартибда меҳнат муносабатларига оид ҳужжатларни имзолаш ва лавозимга тайинлаш бўйича ишларни амалга оширсин.


3. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш вазир маслаҳатчиси Д.Л.Шукуров зиммасига юклансин.


 У.М. Мамадаминов


 Д.Л. Шукуров


 А.А. Раупов

 Д.И. Исанбеков

 З.Н. Файзиев

 Ф.Х. Шарофитдинов

 А.Б. Зайнутдинов

 Ш.Э. Карабаев